ДЕКЛАРАЦИЯДА КЎРСАТИЛМАГАН

...йўриқномага асосон божхона декларациясини тўлдирган ҳолда 2000 АҚШ доллари, 5000 АҚШ долларидан ошиқ бўлган валюта эса фақат Марказий банк рухсати билан олиб чиқилади.

2 бет

НОМИНГИЗГА ДОҒ ТУШИРМАНГ

...Сўнг муддаога кўчади: «Сўнгги моделдаги иккита компьютер олиб келасиз. Тушунаман, сиз мен айтган компьютерни тополмайсиз. Шунинг учун пулини бериб кўяколинг».

4 бет

ОҚ ПАХТА ОРТИДАГИ ҚОРА «ИШ»ЛАР

...пахта «корчалон»ларининг жиноий фаолияти фош этилиб, давлатга етказилган 2 млрд. 846 млн. 446 минг сўмлик зарар ундириб олинди.

10 бет

БИРОВНИНГ ҲАҚИ

Жиноят оламига назар солсангиз, жиноятчиларнинг қарийб 90 фоизи бировнинг ҳақини ноҳақ ейиш жиноятини содир этганлигига амин бўласиз.

12 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 24-may, № 21 (542)

Эртага юртимиз мактабларида сўнгги қўнғироқ! Маълумотларга кўра якунланаётган ўқув йилида республика бўйича 642.427 нафар йигит-қиз умумтаълим мактабларининг 9-синфини, 228.833 нафари 11-синфини битиради. Катта ҳаёт бўсағасида турган бу ёшларга муваффақиятлар тилаймиз.

Таҳлил

Барқарор иқтисодиёт йўлида

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг нуфузи унинг ривожланган иқтисодиёти билан белгиланади. Шу боис ҳурматли Президентимиз ўз маъруза ва асарларида Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодиётини қарор топтириш устувор вазифалардан бири эканлигини тез-тез таъкидлаб ўтадилар. Иқтисодий жиноятчилик ва коррупциянинг илдизига болта урмасдан, уларни таг-томири билан бартараф этмасдан иқтисодни барқарорлаштириб бўлмайди. Шу мақсадда Республика Бош прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси томонидан мамлакатда иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашишнинг самарали чораларини кўриш, порахўрлик, мансаб суиистеъмолчиликларига қарши кураш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

2006 йилда бошқарма ва унинг бўлимлари томонидан жами 1656 та жиноят иши тергов қилиниб, шундан 2318 нафар шахсларга нисбатан 1064 та жиноят иши айблов хулосаси билан тегишли судларга юборилган бўлса, 2007 йилнинг 3 ойида 423 та жиноят иши тергов қилиниб, 514 нафар шахсларга нисбатан 242 та жиноят иши судларга юборилган. Бу ишларнинг аксарият қисмини ўзганинг мулкини жуда кўп миқдорда талон-тарож қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, порахўрлик каби жиноят ишлари ташкил этган.

Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш масалалари юзасидан ИИВ, МХХ, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари ҳамда бошқа идоралар билан ҳамкорликда ишлар давом эттирилиб, асосий эътибор мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган қонунбузилишларни фош этишга қаратилган.

Жумладан, мамлакат иқтисодиётида салмоқли ўрин тутган «Ўзбек қоғози», «Қаршитермопласт», «Ўзсматана сантехника», «Каолин», «Косонсой Текмен», «Хобас тапо», «Исковутткс», «Фарҳодтекс», «Фарғона фуран бирикмалари заводи» каби корхоналар орқали чет эл инвестицияларини олиб кириш ниқоби остида катта миқдордаги валюта кредитлари талон-тарож этилганлиги фош этилиб, бунга алоқадор бўлган мансабдор шахсларнинг қонун олдида жавоб бериши таъминланган.

(Давоми 4-бетда).

Хабар

Мавсумга тайёргарлик

Ҳадемай мамлакатимизда ғалла ўрим-йиғимига киришилади. Жойларда бу мавсумга катта тайёргарлик кетаётган бир пайтда, Андижон вилоятида ҳам бунга ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 11 майдаги «2007 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан зарур тадбирлар ташкил этилмоқда.

2007 йилнинг 17 май куни Олтинкўл туманида туман прокурорлари, ҳокимлар, Ички ишлар бўлими бошлиқлари, вилоят, туман МТП раислари, туман Фермерлар уюшмаси ҳамда Дон корхоналари раҳбарлари иштирокида амалий семинар йиғилиши ўтказилиб, унда вилоят ҳокими А.Усмонов ва вилоят прокурори Б.Деҳқоновлар иштирок этишди.

Мингга яқин мутахассислар иштирок этган семинар йиғилишида вилоятда 2007 йилги ғалла ўрим-йиғими мавсумига тайёргарлик кўриш ва етиштирилган бошоқли дон экинларини нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш, бу борада ғалла ўрим комбайнлари ва дон қабул қилиш шохобчаларини моддий-техник базасини тайёрлаб қўйиш, эҳтиёт қисмлар заҳирасини яратиш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, етиштирилган ҳосилни талон-тарож қилинишни олдини олиш борасида тегишли тавсиялар билдирилиб, бу борада мутасадди идоралар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий-амалий тадбирлар белгилаб берилди.

Дониёр МАМАЖОНОВ,
Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Назорат

ТЎЛОВ ҚОНУНИЙ БЎЛСИН

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг кўламда ислоҳотлар олиб борилмоқда. Шифо масканларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, биноларни таъмирлаш ва янги даволаш муассасаларини қуриш ишига давлат миқёсида эътибор берилмоқда. Охирги ўтган йиллар соғлиқни сақлаш тизимида чуқур ислоҳотлар даври бўлди. Айниқса, соҳада меҳнат қилаётганларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш борасида бир қатор чора-тадбирлар кўрилди.

Тизимни янгилаш ва замонавий талаблар даражасига етказиш учун республикамизда етарли қонунчилик базаси яратилган. Эндиликдаги асосий вазифа қонунларнинг бир хилда ва аниқ ижросини таъминлашдир. Хоразм вилоят прокуратура органлари томонидан Президентимизнинг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш алоҳида назоратга олинган.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва иш ҳақининг берилишига оид қонунлар ижроси ўрганилганда 134,8 млн. сўмлик ноқонуний тўловлар тўланиб, шундан 35 млн. сўмдан ортиқроғи мансабдор шахслар томонидан ўзлаштирилгани аниқланди.

Иш ҳақи ходимнинг меҳнати эвазига топадиган манфаатидир. Унинг тўғри ва тўлиқ берилиши ходимнинг иш самарадорлиги ва сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига кўра, ходим иш ҳақининг миқдори, таркибий қисмлари, тўловлар ва уларнинг асослари тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиниши керак. Бу меъёр соғлиқни сақлаш муассасалари мутасаддилари томонидан мунтазам равишда бузиб келинган. Масалан, вилоят бўйича 42,7 млн. сўм ходимлар розилигисиз ушлаб қолинган. Тўғри, бу ушлаб қолинган пуллар коммунал ва бошқа турли тўловлар учун ўтказиб берилган. Аммо ходимнинг ёзма розилиги ёки суд қарорисиз иш ҳақини ўзбошимчалик билан тасарруф этишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Бундай ҳаракат Меҳнат Кодекси талабларига зид бўлганлиги сабабли қонунбузарлар МЖТК-нинг 49-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ўз вақтида, фақат нақд пулда, ҳар ярим ойда бир маротабадан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилиши керак. Меҳнат Кодекси 161-моддаси талаблари ижроси ўрганилганда ўз вақтида нақд пул билан таъминланмагани оқибатида вилоят 1-сонли клиник шифохонасида 8,1 млн. сўм, тери-таносил касалликлари диспансерида 4,7 млн. сўм, вилоят туғруқхона комплексида 3,7 млн. сўм, Хива туман марказий шифохонаси бўйича 2,8 млн. сўм иш ҳақларини тўлаш кечиктирилган. Иш ҳақи тўловининг асоссиз равишда кечиктирилишига йўл қўйган тижорат банкларининг 12 нафар мансабдорлари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Боғот туман марказий шифохонаси бош ҳисобчиси вазифасида ишлаб келган М.Қурбонов, ғазначи М.Саидовлар пул топишнинг «антиқа» йўлини топишган. Улар олдиндан жиноий тил бириктириб, тўлов ҳужжатларни қалбакилаштириш билан шуғулланишган. Шу йўл билан жами 35,2 млн. сўм иш ҳақини талон-тарож қилишган. Ўзганинг ҳақидан қўрқмаган бу кимсалар қонуний жавобгарликка тортилди.

Худойкул ТУРДИБОЕВ,
Хоразм вилоят прокурори ўринбосари

Сўнгги маълумотларга қараганда жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз иқтисодиётида ялпи ички маҳсулот ҳажми 9,1, асосий капиталдаги инвестициялар ҳажми 36,4, чакана савдо айланмаси 16,5, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 25 фоизга кўтарилган. Республикамиз иқтисодиётидаги бундай катта ютуққа бозор инфратузилмаларини модернизациялаш ва жаҳон иқтисодиётига муваффақиятли равишда интеграциялашиш орқали эришилаётганлиги бор гап. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар қандай давлатнинг иқтисодиёти ташқи тажовуздан пухта ҳимоялангандагина барқарор ривожланиши мумкин.

Декларацияда кўрсатилмаган

Молиявий барқарорлик эса бунда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мамлакатимиз иқтисодий сарҳаддлари мустаҳкам қўриқланаётганлигига қарамай ташқарига валюта қимматликларини ноқонуний равишда олиб чиқишга уринишлар иқтисодий хавфсизликка таҳдид туғдираётир. Яқинда мана шундай салбий ҳолатларнинг бир нечтаси юзасидан суд ҳукми чиқарилди.

Жумладан 2007 йил 30 январь куни Тошкент-Пекин рейси билан учиб кетиши зарур бўлган Хитой фуқароси У.Юли тегишли равишда божхона декларациясида кўрсатилмаган 56.600 долларни оёғининг тиззадан пастдаги орқа қисмига скоч билан ёпиштирган ҳолда олиб чиқиб кетаётганида қўлга олинди. Судда берган гувохлигига қараганда 2006 йил май ойида Тошкентда иш олиб бораётган хитойлик У.Цзинцзян хотини У.Юлига қўнғироқ қилади. У Тошкент вилояти Янгийўл туманида чўчқа фермаси ташкил этиш нияти борлигини, бунинг учун 60.000 доллар пул зарурлигини айтади. У.Юли қариндошларидан шунча пулни йиғиб олгач, 2006 йил 28 июл куни Пекиндан Тошкентга учиб келади. У самолётга чиқишдан олдин пулни усталик билан яширади. Тошкентда божхона декларациясини тўлдираётганида эса пулларни кўрсатмайди. Тахминан олти ой Тошкентда эри билан яшаб, у пулларнинг бир қисмини ўз эҳтиёжига сарфлайди. Ферма очишнинг уддасидан чиқа олишмагач, У.Юли ушбу пулларнинг 56.600 долларини қайтадан Хитойга олиб чиқиб кетмоқчи бўлади. Ноқонуний равишда валютани олиб кирган ва олиб чиқаётган У.Юли ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан тўхтатилди.

Шунингдек, Тошкент вилоятида яшовчи Анжела Спенсер ҳам мана шундай жиноий қилмишга қўл урганлардан биридир. 2006 йилнинг 16 ноябрида у Москвага учиб кетиш учун Тошкент халқаро аэропортига келади. Ўзи билан олиб чиқиб кетаётган пул ва бошқа қимматликлар ҳақида маълумотларни акс эттирувчи декларация тўлдириб, божхона кўригидан ўтади. Декларацияда ўзи билан 2000 АҚШ доллари олиб чиқаётганлигини баён қилади. Лекин махсус текшириш чоғида унинг ёнидан ҳар бири 500 доллар номинал қийматга эга 29 та «American Express Chec» -чеклари чиқади. Жами 29 минг АҚШ долларига ёки 35 млн. 778 минг сўмга тенг ушбу валюта қимматликлари ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётганлиги боис А.Спенсер қонунга мувофиқ тегишли жавобгарликка тортилди.

Шу ўринда фуқароларимизга Ўзбекистон Республикасига валюта ва шунга тенглаштирилган қимматликларни олиб кириш ва уларни юртимиздан олиб чиқиш қоидаларини яна бир эслатиш фойдадан холи эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 сентябрдаги Фармонига ва Адлия вазирлигида 1999 йил 7 майда рўйхатдан ўтган йўриқномага асосан божхона декларациясини тўлдирган ҳолда 2000 АҚШ долларини олиб чиқишга рухсат этилади. 2000 доллардан 5000 доллар-гача бўлган миқдордаги валюта Марказий Банк ёки ваколатли банклар рухсати билан олиб чиқилади. 5000 АҚШ долларидан ошиқ бўлган валюта фақат Марказий банк рухсати билан олиб чиқилади. Норезидентларга (мамлакатимиз фуқаролигига эга бўлмаган, мамлакатимизда доимий равишда яшамайдиган чет эл фуқаролари) эса божхона декларацияси асосида Республикамизга олиб кирилган валютага тенг миқдорда валюта олиб чиқишга рухсат этилади. Шунингдек юртимизга чекланмаган миқдорда валюта олиб киришга рухсат этилади. Фақат олиб кирилаётган валюта божхона декларациясида қайд этилиши шарт.

Бобур НАРЗУЛЛАЕВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

ТАЛОНЧИ ЙИГИТЧАЛАР

Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири эканлигининг бир неча сабаблари бор. Маълумки, мамлакатимизда аҳолининг умумий сонига нисбатан вояга етмаганлар улуши бирмунча баланд. Мисол учун, Тошкент шаҳрининг ўзида 750 мингдан зиёдроқ вояга етмаганлар ўсиб-улғайишмоқда.Уларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаслиги, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликлардан узоқ бўлиши нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари, балки оила ва кенг жамоатчилик зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Агар ўсмирлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни таҳлил этсак, уларнинг аксари эътибордан четда қолган вояга етмаганлар томонидан содир этилганига амин бўламиз.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судида кўриб чиқилган иш мисолида ҳам буни кўриб чиқишимиз мумкин.

Вояга етмай туриб судланиб улгурган, ҳеч қаерда ишламай ва ўқимай юрган Бахтиёр (исмлар ўзгартириб берилмоқда) атрофдагиларнинг назоратидан четдаги ўсмирга айланган. Бу нарса унинг такрор-такрор жиноятларга қўл уришига имкон яратган. У атрофига Акром, Зафар, Бекзод, Носир исмли ўзи каби жиноятга мойил ўсмирларни тўплаб талончилик жиноятларига қўл урган.

Соат миллари ярим тунга яқинлашиб қолган бир пайтда пойтахтнинг Қатортол кўчасида жойлашган «Ҳосилот» кафеси атрофида ўралашиб юрган бу йигитчаларнинг кўзи кафедан чиқиб, телефонда гаплашиб турган қизга тушади. Қизни ўраб олган йигитлар очиқдан-очиқ талончилик қилиб, қизнинг қўлидаги телефонини тортиб олишади ва қиз атрофдагиларни ёрдамга чақиргунга қадар чор тарафга қочиб қолишади.

Эртаси куни тунда яна «ов»га чиққан йигитчалар маст ҳолатда келаётган бир йўловчининг йўлини тўсиб чиқадилар. Уни уриб, қўрқитиб чўнтагидаги бор пулини қоқиб олишган бир пайтда, жиноят қидирув ходимлари томонидан қўлга олинадилар.

Суд талончи йигитларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо белгилади.

Ўйлаймизки, фарзандларининг ярим тунга қадар кимлар билан, қаерларда юрганига кўпам қизиқмайдиган ота-оналар учун бу мисолимиз сабоқ бўлади.

Нозим АБДУРАШИДОВ,
Чилонзор туман прокуроринг катта ёрдамчиси

ҚУТИДАГИ ОҒУ

Эркакми, аёлми, хаётда адашиб бирор гуноҳ иш қилса, кўпни кўрган кариялар: «Ҳом сут эмган банда-да, окибатни ўйламаган», деб ачиниб қўйишади. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган кексалар билан суҳбатларда бу гапни кўп эшитганман. Жиноят ҳақида гап кетганда доноларимиз масалага маънавият нуқтаи назаридан ёндошиб, «ҳаммасига одамнинг ўзи, унинг ношукрлиги сабабчи бўлади» деб баҳо беришади.

Гиёҳвандлик ҳар қандай жамиятнинг соғлом турмуши негизини емирувчи хавфли иллатлардан биридир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу иллатга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Кейинги пайтларда наркотик моддаларни четдан ташиб келтириш, сақлаш, сотиш ва ўтказишга аёлларнинг ҳам аралашиб қолаётганлиги айниқса ачинарлидир. Бу ҳолатга кўпинча уларнинг ўзлари сабабчи бўлмоқдалар. Қуйидаги иш бунга мисол бўла олади.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судида гиёҳвандлик воситаси билан боғлиқ жиноят иши кўрилди. Бу сафар судинг "қора курси"сидан ҳазорасплик Севаржон Юсупова деган аёл жой олган эди. Уни тутилган жойини ташлаб Сурхондарёга келишга, жиноят қилишга нима мажбур этди?

Севаржоннинг турмушда омади чопмади – оиласи бузилди. Ким билсин, эҳтимол бунга ўзи сабабчи бўлгандир. Лекин шуниси аниқки, жиноят кўчасига киришни ўзи ихтиёр этди. Гиёҳвандлик воситаси савдоси билан шуғулланувчилар бой яшармиш, бир уринишда миллионларни топса бўлармиш, деган миш-мишлар миясига ўрнашиб қолди. Ўтиб турган кунига шукр қилмади. Пул дардида тўрт нафар болалари ҳам кўзига кўринмай, Деновга отланди. Тез орада наркотиклар савдоси билан шуғулланувчи бир аёл билан танишди. Лекин унинг ўйларганлари барчаси сароб бўлиб чиқди.

Денов бозори ёнидаги бекатда турган аёлнинг атрофга бежо боқишлари навбатдаги рейдни ўтказаётган тезкор гуруҳ аъзоларида шубҳа уйғотди. Унинг қўлида қоғоз қути бор эди. Аёлнинг хавотирли хатти-ҳаракатлари бекорга эмас экан. Тезкор гуруҳ аъзолари гувоҳлар иштирокида унинг қўлидаги қутини очиб кўришганида тандир кабобнинг хушбўй ҳиди димоққа урилди. Унинг тагидан эса... целлофанга ўралган гиёҳвандлик моддаси чиқди. Бу модда экспертизадан ўтказилганда "опий" эканлиги маълум бўлди, оғирлиги эса нақ 9 кило 700 грамм чиқди.

Бу ҳазилакам гап эмас. Агар шунча "захри қотил" республикамиз бўйлаб тарқалиб кетганида қанчадан-қанча инсонларнинг соғлом турмушини заҳарлаши, не-не мусибатлар келтириб чиқариши турган гап эди. Тезкор гуруҳнинг хушёрлиги туфайли бунинг олди олинди.

Дастлабки терговда ва суд жараёнида Севаржон опий Тожикистондан олиб ўтилганини, уни Фотима исмли номаълум аёлдан олганлигини, 400-500 доллар эвазига Тошкентга етказмоқчи бўлганини яшириб ўтирмади. Севаржон қилмишига яраша жазога тортилди.

Бизнинг тасаввуримизда аёллар ҳамиша гўзаллик ва поклик рамзи бўлиб келган. Бундай тасаввуримизга ҳеч бир иллат соя ташламаслигини жуда-жуда истардик.

Марат ЖУМАМУРАТОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

ҚОНУНБУЗАРГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Тоҳир ҲОЛИҚОВ билан суҳбат

– Тоҳир Мусаевич, ўзингизга маълумки, ҳеч бир даврда тадбиркорларга бугунгидек имконият яратилмаган. Хоҳлаган ишбилармон ўз маҳсулотини хорижга чиқариши ва истаса у ердан сифатли маҳсулот олиб келиб сотиш мумкин. Фақат қонунни бузмаса бўлди.

– Фикрингизга қўшиламан. Буни ҳар биримиз мустақиллик берган имконият деб билмоғимиз керак. Ишнинг кўзини биладиган тадбиркорларнинг ишлайдиган даври келди. Бугунги кунда қонунга бўйсуниб меҳнат қилган ишбилармонларимизнинг нафақат ўзлари, балки қўни-қўшнилар ва маҳалла аҳли ҳам яхши яшаяпти. Чунки янги иш ўринлари ташкил қилиниб, кўплаб оилалар иш билан таъминланаяпти. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатишмоқда. Саховатпеша инсонларни Оллоҳнинг ўзи ҳам қўллайди. Юртбошимизнинг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори тадбиркор учун яна кенг имконият яратди. Илгари тадбиркорлар ҳокимиятдан рўйхатдан ўтишлари учун ойлаб вақтини арзимас ҳужжатларни йиғиш билан ўтказарди. Энди эса саноқли кунларда рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатиши мумкин. Кредит олиш масаласида ҳам муаммолар йўқ. Лекин ҳукуматимиз яратиб берган имкониятларни суиистъмол қиладиган қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, бунга Қувасой шаҳар ҳокимлигидан рўйхатдан ўтган «Medikl Benta Inteks» хусусий корхонаси фаолияти мисол бўлади. Фуқаролар О.Абдулхаписов билан Улуғбек Турсунов болаликдан ногирон М.Атабоевни юқоридаги номи тилга олинган фирмага раҳбар қилиб тайинлаб ишларни ўзлари юритган. 1 млрд. 68 млн. 838 минг сўм товар айланмаси амалга оширилганлиги ҳақида ҳисобот тақдим этиб, жами 11 млн. 711 минг сўмлик солиқ ва тўловларни тўлашган. Бироқ текширишда «тадбиркор»ларнинг сирлари фош қилиниб, яъни давлат томонидан белгиланган жами 70 млн. 366 минг сўм миқдоридаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганлиги аниқланди. «Medikl Benta Inteks» хусусий корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Ҳозирда жиноят иши судда кўрилмоқда.

– Кейинги пайтларда қалбаки пул ясовчилар пайдо бўлгани сир эмас. Бу жиноятларни кимлар содир қилмоқда?

– Қалбаки пулларнинг муомалага киритилиши давлат иқтисодиётига салбий таъсир қилишини барча фуқароларимиз яхши билишади. Лекин қилмишлари учун жазонинг муқаррарлигини билса-да, нафс йўлига кириб жиноятнинг ана шу тури билан шуғулланаётган жиноий гуруҳлар ҳам йўқ эмас. Яқинда ана шундай жиноий гуруҳ фаолияти фош қилинди. Жумладан, қўқонлик Эркин Абдуназаров ва Рашид Ғофуров 1.000.000 сўмдан ортиқ қалбаки Ўзбекистон сўмини муомалага киритганлиги аниқланди. Бундан ташқари суриштирувда бу жиноий гуруҳ аъзолари Э.Позилов, У.Бойузаков ва А.Ҳолиқовлар Қирғизистон Республикасидан олиб келган автомашиналари учун қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб беришгани ҳам фош этилди. Текширишда Р.Ғофуровнинг Қўқон шаҳридаги хонадонидан жиноий гуруҳга тегишли 1 дона «Creat Viktor» компьютери, «LG-563» монитор, «Epson-Photo R300» русумли рангли принтер ва бошқа қалбаки ҳужжатлар олинди.

– Кейинги пайтларда хориждан ноқонуний йўллар билан олиб келинган автомобилларга айримлар Ўзбекистондаги автомашиналарнинг давлат белгиларини қўйиб фойдаланиб юрганини эшитиб қоламиз.

– Четдан олиб келинган автоуловлар учун божхона тўловлари жорий қилинган. Лекин айрим жиноий гуруҳлар ана шу божхона тўловларни тўлашдан бўйин товлаб қонунбузарликларга йўл қўймоқда. Жумладан, олтиариқлик Алижон Раҳматуллаев Қирғизистондан 5 млн. сўмга «Тико» русумли автомашина олиб келиб, Учкўприк туманида яшовчи Мақсудали Пўлатов номидаги «Москвич-412» русумли атвомашинанинг 15 F 4959 давлат белгисини қўйиб ҳайдаб юрганида ушланди. Қонунбузарликнинг божхона тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганлиги аниқланиб, автомашина далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Сўзим сўнггида яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Қонунбузарликлар албатта фош қилинади. Шундай экан, қонунга амал қилиб яшаганга не етсин.

Сухбатдош:
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Ўлим жазоси. У қачон ва қаерда пайдо бўлган? У нима ўзи: кучлиларнинг кучсизларга тазйиқ ўтказиш турими, сиёсий рақибларни бартараф этиш усулими, ҳокимият учун кураш воситасими ёки мақсади инсониятни жиноятчиликдан халос этиш бўлган ва айни вақтда инсонпарварликка зид воситалар билан амалга ошириладиган жиноий жазо — жиноятчиларни қўрқитиш усулими?

Ўлим жазоси доим қизғин баҳсларга сабаб бўлиб келган. Бу мавзу ўтмишда ҳам фаол муҳокама қилинган, ҳозир ҳам долзарб аҳамиятга эга, келажакда ҳам муҳокама қилинади...

Яшаш ҳуқуқи

Жиноятга жазо муқаррар — қадимдан ўз исботини топиб келаётган нақл. Жазо берилишида жиноятнинг оғир, енгиллиги инобатга олиниши турган гап. Қадимда ҳукм сурган меъёрлар, ҳаётга татбиқ этилган қонун-қоидалар инсоният ривожланиши билан бирга такомиллашиб, ҳозирги кунги қолатга келтирилган. Ўша даврларда ҳам ўлим жазоси энг оғир жиноятлар учун бериладиган ҳукм сифатида қўлланилган. Бироқ ,буюк Хитой мутафаккири ва файласуфи Конфуций айтганидек, «виждон азобига дучор бўлишдан оғир ҳукм йўқдир».

Айни дамда жаҳон ҳамжамияти тараққиёти нафақат техник ва моддий ривожланишдан иборат, балки маънавий баркамоллашиш ҳамдир. Инсонпарварлик тамойиллари ҳукм сурган жамиятдагина ривожланишни кузатиш мумкин. Биз Ўзбекистон ҳам ана шундай давлатлар қаторига, жамиятлар сирасига кирди деб айтишга ҳақлимиз. Мамлакатимизда турли соҳаларда, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ўзининг улкан натижасини бермоқда. Айтиш жоизки, мазкур йўналишдаги ислоҳотлар асосида инсонпарварлик ва меҳр-оқибат тамойиллари пойдевор бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони мазкур ислоҳотларнинг амалий меваси эканлигига яққол далилдир. Мазкур Фармонга асосан 2008 йилнинг 1 январидан Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинади. Шундай бўлса-да, ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллаш амалиёти тўхтатилган. Таъкидлаш жоизки, жазо берилиши механизмида рўй берадиган ўзгаришлар мамлакатимиз қонунчилигида ҳам ўз аксини топиши муқаррардир. Ўзбекистон бундай ўзгаришларнинг самараси ўлароқ, нафақат демократик ривожланиш, балки умуминсоний баркамоллик сари дадил қадам ташлаётган давлат сифатида эътироф этилмоқда. Чунки ушбу Фармоннинг қабул қилиниши демократия акс садоси бўлибгина қолмай, балки инсонпарварлик қадриятларининг ифодаси ҳамдир.

Жаҳон тажрибасига мурожаат этсак, ўлим жазосини бекор қилиш каби суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ўз самарасини берган. Суд-ҳуқуқ тизимида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни бартараф этишда мазкур йўл энг тўғриси десак, муболаға бўлмайди. Мисол учун, судя етарли бўлмаган далилларга ёки ўхшаш шарт-шароитларга таяниб айбсиз одамга ўлим жазосини қўллаб юборса-да, жазо ижро этилгач ҳақиқий жиноятчи фош этилса ким жавобгар бўлади? Афсуски, бундай ҳолатлар амалиётда бир неча маротаба учраган.

1967 йилнинг баҳорида Нью-Йорк кўчаларидан бирида 18 ёшли Сэлли Донаван исмли қиз номаълум шахс томонидан ваҳшийларча ўлдириб кетилади. Воқеа жойига етиб келган полициячилар сал нарироқда ҳушсиз ётган кишини ҳам топиб олишади. Дастлабки тергов жараёнида бу шахс жиноят содир этилган жойга яқин атрофда яшовчи қора танли америкалик Сэм Николсон эканлиги маълум бўлади. Николсон полициячиларга қизни ўлдирмаганлигини, қандайдир одамлар қизнинг жасадини машинада олиб келишганини, қўрқиб кетиб, қочаман деб бошини кўприк устунига уриб ҳушини йўқотганини таъкидлайди. Бироқ терговчилар қотил Николсон эканлигига ишонар, унинг гапларини эса уйдирма холос деб таърифлар эдилар. Суд жараёнида ҳам Сэм Николсоннинг важлари рол ўйнамади, суднинг қарорига биноан у олий жазога, ўлимга маҳкум этилди. Тез орада ҳукм ижро қилинди. 1970 йили эса Лос-Анжелес шаҳри чеккасида бири 18, бири 17 ёш икки нафар қизнинг жасадлари топилди. Бу сафар инкор этиб бўлмайдиган далиллар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари бўйича жиноятчилар қўлга олинди. Улар икки мактабдош дўст Майк Онелли ва Мартин Ванеклар эди. Сўроқлар давомида уларнинг бири 1967 йилнинг баҳорида Нью-Йоркка дам олишга боришганини ва у ерда турли енгилтабиат қизлар билан учрашганларини, улардан бирини ўлдириб, кўприк остига ташлаб кетишганини ва бу жиноят қандайдир негр бўйнига қўйилганини гапириб берди. Кўриниб турибдики, ҳеч бир айби бўлмаган одам бошқаларнинг жинояти учун ўлимга ҳукм қилинган.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонининг ҳаётга татбиқ этилиши ана шундай ҳолатлар рўй беришининг олдини олади, инсонпарварлик принципларини таъминлайди. Қолаверса, ҳар бир инсон вақт ўтган сайин ўз гуноҳлари ва қилмишлари хусусида бош қотиради. Демак, мақоланинг бошида келтирилган Конфуцийнинг фикри яна ўз исботини топади.

Илҳом ОЧИЛОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Мамлакатимизда демократик жараёнларнинг чуқурлашуви айниқса суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларда янада яққолроқ ўз аксини топмоқда. Келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши бутун дунёда юксак баҳоланмоқда. Президентимизнинг бу ҳақдаги Фармонига инсонпарварликнинг олий намунаси, инсоний ва демократик қадриятларнинг катта тантанаси сифатида қаралмоқда.

Юксак инсоний ва ҳуқуқий қадриятлар сифатида инсон ҳаёти ва унинг яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлатимиз ва жамиятимизнинг бош вазифасига айланган. Инсон ва унинг бахт-саодати, фаровон турмуши ҳақида ғамхўрлик Конституциямиз ва қонунларимизда ўз аксини топган, кафолатланган. Аммо ҳаёт ва жамият гултожи деб баҳоланган инсон, фуқаро белгиланган қонун-қоидаларга, ахлоқ нормаларига риоя этмоғи шарт. Акс ҳолда қонунларда кўзда тутилган ҳолларда ва асосларда жазога тортилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексида бундай ҳолатлар белгилаб қўйилган.

Сиёсат ва ҳуқуқ соҳасининг кўзга кўринган арбоблари кўп йиллик курашиш натижасида жиноий жазо тури сифатида ўлим жазосининг бекор қилинишига аллақачон эришганлар. Бир қатор ривожланган демократик давлатларда бу сиёсат қўллаб-қувватланиб, амалиётга жорий этилган, айрим давлатларда эса қисман қўллаб-қувватланмоқда.

Президентимизнинг ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги Фармонини қўллаш, амалга ошириш билан боғлиқ кенг кўламли вазифалар, ҳуқуқий-ташкилий тадбирлар амалга оширилаяпти.

Жойларда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар билан ҳамкорликда Фармон моҳияти чуқур ўрганиб чиқилмоқда. Бу борада семинар-тренинглар бўлиб ўтди. Саволжавоб кечалари, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Ижтимоий-сиёсий ўқув ҳамда маърифат дарсларида Фармон ва унинг моҳиятидан келиб чиқадиган вазифалар чуқур ўрганилмоқда. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларда кенг тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда жиноий жазо тури сифатида ўлим жазосининг бекор қилиниши инсонпарварлик ғалабаси, демократия, қонун ва инсон ҳуқуқлари тантанаси бўлади. Бундай юксак инсонпарварлик акти давлатимизнинг буюк қадриятларга ҳурмат-эътиқоди юксаклигини бутун дунёга яна бир бор намойиш этади.

Музаффар МАМАТМУРОТОВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
Мавлуда АШИРОВА,
ТДЮИ талабаси



Халқаро меъёрларга мос

Ўлим жазоси инсоният тарихида қўлланиб келинаётган энг қадимги жазо турларидан биридир. Ҳуқуқий адабиётларда бу жазо тури қадимда барча халқлар томонидан у ёки бу тарзда қўлланилган қонли қасос одатидан келиб чиққанлиги таъкидланади. Бу жазо тури бир қанча давлатлар қонунчилигининг жазо тизимида мавжуд. Лекин унинг қўлланиш мароми, амалга ошириш усуллари ва ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар доираси доимо ўзгариб туради.

Ўзбекистонда ўлим жазоси биринчи марта қадимда хонлар, амирлар ҳукмронлиги даврида қўлланилган. Араблар ҳукмронлиги даврида бошлаб бу жазо қонуний тус олган. Кейинчалик Шўролар ҳукумати амалдаги жазо чорасига нисбатан ҳар хил маънода ёндошган. Масалан, 1917 йил 26 октябрдаги 2-Шўролар съезди ўлим жазосини бекор қилган, бироқ Гражданлар уруши бошланиши билан бу жазо тури яна тиклан-ган. Биринчи ўлим жазоси революцион БМИҚ томонидан тайинланган ва кўплаб бегуноҳ инсонлар қаторида Фитрат, Чўлпон, Мунаввар қори Абдурашидов ва Абдулла Қодирийдек миллат фидойилари шу жазо қурбонига айланганлар.

Ўлим жазосининг отиш тури 1919 йилдаги Жиноят қонунида белгиланган бўлиб, фавқулодда вазиятларда қўлланилиши назарда тутилган. 1920 йил 17 январда у яна бекор қилинган. 1951 йил 12 январда ўлим жазоси яна жиноят қонунчилигига киритилиб, ҳозирги кунга қадар қонунда ўз аксини топган. Жиноят Кодекси (1922 йил, 1926 йил, 1960 йил) да ўлим жазоси алоҳида таъсир этиш чораси деб ҳисобланган ва жазолар тизимига киритилмаган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят Кодекси (51-моддаси) — бу жазо турини умумий тизимга киритган, аммо у ҳалигача махсус жазо чораси деб аталади. Чунки, аввало, у инсоннинг табиий ҳуқуқларидан энг асосийси — яшаш ҳуқуқига таалуқли бўлиб, бу ҳуқуқ халқаро меъёрлар ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан ҳимояланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 51-моддасининг 2-қисмига мувофиқ ўлим жазоси аёлга, олтмиш ёшдан ошган эркакка ва ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланиши мумкин эмас. Ўзини энг демократик давлат ҳисобловчи айрим мамлакатларда ҳам, жумладан, АҚШда 17 ёшли шахсларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилади.

Ўлим жазосини тайинлашда судлар томонидан йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш имкони йўқлигини жаҳон мамлакатларининг суд амалиёти яхши билади. Аниқ фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1987 йилда америкалик муаллифлар Х.Бедау ва М.Рейддетлар томонидан ўтказилган ҳисоб-китобларга кўра АҚШ судлари томонидан хато тарзида 349 та ўлим жазосини тайинлаш ҳақида ҳукм чиқарилган ва афсуски, улардан 23 таси ижро этилган.

Бундай ачинарли мисоллар кетидан узоққа боришнинг ҳожати йўқ. 70-80 йилларда қотиллик ва номусга тегиш ишлари бўйича бир неча киши айблор деб топилиб, уларга нисбатан ҳукм ижро этилган. Бир неча йилдан кейин ҳақиқий қотиллар Михасевич ва Чикатило аниқланган. Ачинарлиси шундаки, бир қанча бегуноҳ инсонлар хато ҳукмнинг қурбонига айланганлар. Бундай ҳолатда жараён иштирокчилари: терговчи, суд ижрочиси, прокурор, судья, халқ маслаҳатчилари ва жиноят жараёнининг бошқа қатнашчилари бегуноҳ инсонларнинг ҳаётдан кўз юмишига сабабчи бўлганлар.

Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотининг энг муҳим вазифаларидан бири жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигида жиноий жазо тизимининг босқичма-босқич эркинлаштирилиши ҳисобланади.

2005 йил 1 августдаги Президент Фармонига мувофиқ жиноий жазоларни янада эркинлаштириш бўйича аниқ чораларни амалга ошириш мақсадида ўлим жазосини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинган. Фармон бундай жазо чорасини фақат инсонпарвар жамиятда бекор қилиш мумкин деган мулоҳазаларга асосланади.

Ўлим жазосини бекор қилиш бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам энг долзарб масала ҳисобланади. Шу сабабдан мазкур Фармон БМТ Низомига, Инсон ҳуқуқлари Бутунжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа Конвенцияси ва бошқа халқаро ҳужжатлар меъёрларига тўла мос келади.

С.МИРЗАИРОВА,
Тошкент юридик коллежи декани
А.ИСКАНОВ,
ўқитувчи

САҲИФАМИЗ МЕҲМОНИ: РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОШҚАРМАСИ

Барқарор иқтисодиёт йўлида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Ўзбеккўмир» ҳиссадорлик бирлашмаси бош директори А.Клименко, «Каолин» қўшма корхонаси директори М.Муротаев, «Лойиҳа-қидирув» корхонаси директори В.Бизеев ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Миллий банк»нинг бир нечта мансабдорлари ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан давлатнинг жуда кўп миқдордаги маблағларини талон-тарож қилганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Жиноят ишларини тергов қилишда асосий эътибор давлат, жамоат ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, етказилган зарарни қоплаш, жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ва иқтисодий ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этишга қаратилиб, бунда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари кенг қўлланилмоқда.

2006 йилда айблов хулосаси билан судга юборилган жиноят ишлари бўйича айбланган 2318 нафар шахсларнинг 342 нафарига нисбатан қамоқ, 641 нафарига нисбатан гаров ва қолганларига нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чоралари қўлланилган бўлиб, 2007 йилнинг 3 ойида эса судга берилган 514 нафар шахснинг 60 нафарига нисбатан қамоқ, 175 нафарига нисбатан гаров ва қолганларига муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чоралари қўлланилган.

Яъни, жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг 2006 йилда бор-йўғи 14,7 фоизига, 2007 йил 3 ойида эса атиги 11,6 фоизига қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган, холос.

Хусусан, тергов давомида етказилган моддий зарарларни қоплаганликлари учун 2006 йилда 32 нафар, 2007 йилнинг 3 ойида эса 9 нафар айбланувчига нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чоралари бошқа турдаги эҳтиёт чораларига ўзгартирилиб, ушбу шахслар қамоқдан озод қилинган. 2006 йилда айбдорлардан етказилган жами 97,4 млрд. сўм зарарнинг 89,5 млрд. сўми ёки 92 фоизи терговда ундирилган бўлса, 2007 йилнинг 4 ойи давомида жами 15,3 млрд. сўм зарар аниқланиб, унинг 14,3 млрд. сўми ёки 93,1 фоизи қопланиши таъминланган. Шундан биргина бошқарма терговчиларининг кучи билан ундирилган зарарлар 2006 йилда 66,4 млрд. сўмни, 2007 йилнинг 4 ойида 4,5 млрд. сўмни ташкил этган.

Жамшид ФАЙЗИЕВ,
Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи



СУРАТДА: *бошқарма терговчилари У.Ҳуррамов, Я.Абдуллаев ва гуруҳ терговчиси Ш.Мусаевлар текшириш натижалари юзасидан суҳбатлашмоқда.*

«ТАДБИРКОР»ЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида ўтган йили жуда катта иқтисодий ютуқларга эришилганлиги, саноат ишлаб чиқариши, савдо, хизмат кўрсатиш тармоқларида катта юксалишлар юз берганлиги маълум қилинди. Бундай ютуққа ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Оқилона сиёсат, узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган иқтисодий стратегия, бозор иқтисодиётини муваффақият билан модернизациялаш бу ютуқларга бош омил бўлди. Шу билан бирга алоҳида қайд этиш лозимки, ўтган йиллар тажрибаси иқтисодий жиноятчиликка қарши курашмасдан туриб иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмаслигини кўрсатди. Солиқларни ўз вақтида тўламаслик, белгиланган савдо тартибига риоя қилмаслик, божхона қоидаларини бузиш каби ноқонуний хатти-ҳаракатлар иқтисодий юксалиш йўлидаги тўсқинликлардир. Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун яратилган имтиёзли шарт-шароитдан фойдаланган ҳолда фаолият юритаётган юртдошларимиз анчагина. Улар турмушимиз фаровонлигига катта ҳисса қўшаётирлар. Айрим «тадбиркорлар» эса...

Наманган вилоятидаги «Нам мобайл плюс» хусусий корхонаси бош ҳисобчиси Одил Сулаймонов уддабурон чиқиб қолди. Гап шундаки, ушбу корхона Наманган шаҳар ҳокимлиги томонидан 2005 йил 7 декабрь куни берилган лицензияга асосан улгуржи савдо хизматини кўрсатиш ҳуқуқига эга эди. Корхона раҳбари Тоҳир Аҳмадалиев 2005 йил октябрь ойида Қозоғистонга кетганлиги сабабли корхона маълум муддат «эгасиз» қолган. Маълумки, раҳбар имзосисиз банкдаги маблағларни кўчириб бўлмайди. О.Сулаймонов устамонлик билан Т.Аҳмадалиевнинг ўрнига сохта имзо қўйиб 2005 йил 6 декабрдан 2006 йил 30 мартгача савдо фаолияти билан шуғулланиб келган. Шу муддат мобайнида у савдо фаолиятидан тушган маблағларни банкка топширмаслик мақсадида жами 454,8 млн. сўмлик молиявий алоқаларни ноқонуний равишда бартер йўли билан амалга ошириб, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги 125, ҳамда 2002 йилдаги 280-қарорларида белгиланган савдо қоидаларини қўпол равишда бузган. «Уддабурон» О.Сулаймонов бу жиноий қилмишлари билан чекланиб қолмаган. Жиноят изларини яшириш мақсадида у расмий ҳужжат ҳисобланган корхона бухгалтерия ҳужжатларини қасддан йўқотиб юборади. Бу билан гўёки «барча гуноҳлардан фориғ бўлдим» деб ҳисоблаган О.Сулаймонов илгаригидек корхона раҳбарининг имзосини сохталаштириб ишлашни истамаган. Шу сабабли у 2006 йил 30 январда ўзининг эски таниши Босит Иномовнинг корхонага раҳбар этиб тайинланишига эришиб, унга ўзи томонидан тайёрланган барча сохта ҳужжатларга ҳеч монеликсиз имзо қўйишни олдиндан шарт қилиб қўяди. Б.Иномовда ҳам қонунга итоат қилиш ҳиссидан кўра, О.Сулаймоновнинг шартига кўниб, текин даромад орттириш истаги устун келади. Шундан сўнг, тадбиркорликни ниқоб қилган ушбу кимсалар мўмай даромад илинжида корхонанинг солиқ ҳисоботларини қалбакилаштириб, бир неча млн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганлар.

Намангандаги яна бир «Гўзал гулшан зарҳали» шўъба корхонасининг солиқ тўловларидан 2,2 млн. сўм қарзи бўлса-да, бу пулларни узоқ вақт тўлашдан бўйин товлаб келади. Шу боис, давлат солиқ инспекцияси томонидан корхонанинг АТ «Ипотека-банк»и Наманган филиалидаги ҳисоб рақамига инкасса топшириқномаси қўйилганди. Бу инкасса топшириқномасини бажармаслик учун шўъба корхонаси раҳбари Муҳаммаджон Ҳакимов шу банкнинг бухгалтерия бўлими етакчи мутахассиси Азамхон Файзиддинов билан тил бириктириб, солиқдан бўлган қарзини тўлаш ўрнига 2006 йил феврал-май ойларида жами 75,5 млн. сўмлик маблағларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларга маҳсулот олиш учун ўтказиб юборади.

Шунингдек, Муҳаммаджон Ҳакимов ноқонуний бойлик орттириш мақсадида шўъба корхонага «Озод Равшан» корхонасидан олинган 3,5 млн. сўмлик газлама ва тушёнка маҳсулотларини қонунга хилоф равишда Наманган шаҳридаги бозорларда нақд пулга сотиб, пулларни эса кассага кирим қилмаган.

Бундай «тадбиркор»ларнинг хатти-ҳаракатига суд қонунга мувофиқ ўз баҳосини берди. Лекин улар томонидан тадбиркор деган номга тушириган доғни қандай кетказиш мумкин? Минглаб хўжалик юритувчи субъектларнинг ватан равнақига ҳисса қўшиш, ўз фаровонлигини таъминлаш мақсадида қилаётган фидойиларча меҳнатини эътироф этган ҳолда бундай шахсларнинг енгил йўл билан бойлик орттиришга, сохтакорликка бўлган уринишлари иқтисодиётимиз тараққиётида ўзига хос тўсиқ бўлаётганини қайд этмасдан бўлмайди. Шак-шубҳасиз, бундай қонунбузилишларга бундан кейин ҳам чек қўйилаверади.

Шуҳрат ХУСЕНОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари

СУРАТДА: *бошқарма бошлиғи ўринбосари Ш.Хусенов (ўртада), бошқарма катта прокурори Ш.Матиев (ўнгда) ва бошқарма прокурори Ғ.Муҳаммадиевлар билан.*

НОМИНГИЗГА ДОҒ ТУШИРМАНГ

Жиноят деганда қонунга, демакки, инсон, давлат ва жамият манфаатларига зид бўлган хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликни тушунамиз. Жиноятнинг эса тури кўп. Шулардан бири порахўрлик бўлиб, у жиноятчиликнинг бир кўриниши сифатида мамлакат ёки муайян минтақалар учун эмас, балки бутун инсоният учун ҳам ошкора таҳдид солиб тургани ҳеч кимга сир бўлмай қолди.
Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бу жиноят тури бошқа жиноятлардан фаркли равишда асосан айрим раҳбарлар, бир сўз билан айтганда, одамларнинг «иши тушиб турадиган» шахслар томонидан содир этилади.
Баъзида қайсидир таълим-тарбия муассасаси, олий ўқув юрти раҳбари ёки ўқитувчиси порахўрликка қўл урганини эшитиб, уларнинг устоз деган табаррук номга доғ туширгани ачиниб кўямиз. Ундан-да ачинарли томони — ўша «домла»нинг жамиятга ўзига ўхшаган яна бир порахўр етиштириб берайтганида...

Эндиги вазифа — бугуннинг талабидан келиб чиқиб долзарб мавзудаги мақолалар билан муштарийлар қалбига йўл топишдан иборат. Бунинг учун таҳририят жамоасига ҳамжиҳатлик, ижодий муҳит ва журналист касбининг бедорлиги зарур бўлади. Ана шундагина «Адолат сари» мухлислари янада ортади.

Т.АЗАМАТОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

Оқ пахта ортидаги қора «иш»лар

Ёки «Жиззахпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасида 2 млрд. 846 млн. сўм қандай талон-тарож қилингани ҳақида

Пахта халқимизнинг бебаҳо бойлиги. Кўпгина ориҳиклар пахта деса Ўзбекистонни, Ўзбекистон деса пахтани тушунади. Халқимизнинг ҳаётини пахтасиз тасаввур қилиш мушкул. Ватанимиз гербида ҳам пахта рамзи туширилган. Тажрибали деҳқонлар пахта оқ бўлса ҳам меҳнати қора дейишади. Оддий чигитдан пахта бунёд бўлгунча деҳқон ҳар бир туп ғўзанинг тагига минг бор эгилади. Лекин ҳаётда меҳнатни кимдир қилиб, роҳатини бошқалар кўрганини кўп кўрганмиз. Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг очиқ суд мажлисида 2006 йилнинг 18 декабрида бўлиб ўтган судида бунга суд қатнашчилари яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Унда «Жиззахпахтасаноат» ҲАБнинг бир гуруҳ мансабдорлари Ш.Эшбоев, Р.Усмонов, Н.Эрбўтаев, Х.Хусанов, Я.Аллабоев, Д.Бердиев, Б.Қўшбоқов, Р.Боймуродов, F.Казаков, С.Отақуловларнинг жиноят иши кўриб чиқилди.

Бу жиноий ишга Илҳом Қулматов раҳбарлик қилган. Шерали Эшбоев унинг ишончли «шогирди». У 2003 йил декабрь ойидан 2005 йилнинг 3 сентябрига қадар «Жиззахпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раисининг ўринбосари 2005 йилнинг 3 сентябридан 2006 йилнинг сентябрь ойига қадар бирлашма раиси лавозимида ишлаган. Ана шу даврдан раиснинг айтгани айтган, дегани деган бўлган. Вилоятдаги «менман» дейдиганлар ҳам И.Қулматов ва Шерали Эшбоевнинг соясига салом берарди.

Жиноят фош қилингач, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлиб бирлашманинг собиқ раиси И.Қулматовга барча айбни ағдариб қўяқолди. Вилоятнинг Арнасой, Зомин, Зафаробод, Пахтакор, Зарбдор, Мирзачўл туманлари ҳудудларидаги фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналаридан пахта қабулқилиб олишда 14.643 тонна 400 кг., 1.701.804.083 сўмлик пахтани «17-ПК» шаклдаги ҳужжатлар билан қалбакилаштиради. Ишни ёпиш учун ўзича 1,2,3 навли пахта хом-ашёсини 4 ва 5 навга алмаштириб давлатга 152 млн. 144 минг 500 сўмлик зарар етказади.

Бирлашмада қўшиб ёзишлар натижасида «олди-берди»лар авжига чиқади. Бу жиноий гуруҳнинг мақсади битта — қандай қилиб бўлмасин, давлатнинг кўзини шамғалат қилиб пул топиш эди. Вилоятдаги пахта тозалаш заводлари раҳбарлари вилоят миқёсидаги «ўйин»дан четда қолмади. Қўшиб-ёзишлар, пахтани нақд пулга сотиш авжига чиқди. Келадиган пулнинг ҳисоби эса йўқолди. Ш.Эшбоев калаванинг учини йўқотиб қўйди. «Кодас-М» ИЧФ, «Бахмал сайқал» ўқув ишлаб чиқариш корхонаси, «Темур-А» хусусий фирмаси ва «Жасур-плюс» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаларига 15 фоизли тўлов амалга оширмасдан оғзаки келишувга асосан катта миқдордаги тола бериб юборилган. Ана шундай яна бир «операция» Қўқондаги «COTTON EXPOIT» компанияси раиси Х.Ахунджанов билан амалга оширилади. Бу ташкилот билан 334-сонли шартнома тузилган бўлса-да, 15 фоизли келишув суммаси «Жиззахпахтасаноат» ХАБга тушмасданоқ 89,7 млн. сўмлик 3-навли 99,6 тонна пахта толаси ««COTTON EXPOIT» компаниясига бериб юборилади. Албатта, бу ишни «қуруқ»ка савоб учун қилишган десак, эшитганлар қаҳ-қаҳ уриб кулиши тайин.

Толафурушлар бунинг ҳам йўлини топишди. Иложини қилишмаса сир фош бўлиб қолишидан қўрқарди-да. «COTTON EXPOIT» раҳбарлари олинган толани «ҳазм» қилиб бўлишгач, ўзларида ўтмай ётган «В (Б) -600-250» эҳтиёт қисм ва ўҳоказо русумли тасмаларни таклиф қилишди. Ва бу тасмалар 81 млн. 226 минг сўмга нархланиб, бериб юборилди. Кейинчалик сир фош бўлгач, қарзни ёпиш учун ушбу тасмаларнинг баҳоси мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилганда 38.686.492 сўм эканлиги маълум бўлди. Эҳтиёт қисмлар 42.579.508 сўмга суньий тарзда оширилиб, бирлашма ҳисобига кирим қилингани аниқланди. Хулосани ўзингиз чиқараверинг.

Ажабланарлиси, Шерали Эшбоев ўзини оппоқ қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди. Лекин терговда унинг барча қилмишлари фош қилиниб, айби тасдиқланиб қилмиши бўйнига қўйилди. Кейин нима бўлди дейсизми? Ш.Эшбоев етказилган 140.000.000 сўм зарарни нақд пулда тўлади.

Шерали Эшбоевнинг энг яқин ҳамтовоқларидан яна бири Раҳмонали Усмонов эди. У судда ўз айбини тан олади. Унинг вазифаси пахта тозалаш корхоналари томонидан қайта ишлаб чиқарилган тола ва иккиламчи тайёр маҳсулотлар тўғрисида ойлик маълумот тузиб, «Ўзпахтасаноат» уюшмасига тақдим этишдан иборат эди. Бир сўз билан айтганда Р.Усмонов ташкилотнинг юраги эди. Чунки у барча «олди-берди»ва «кирим-чиқимлар»дан бохабар эди. У ҳам қилмиши учун судда жазосини олди, етказилган зарарни тўлиқ қоплади.

«Жиззахпахтасаноат» ҲАБ гўё дарё эди. Унинг «ирмоқ»лари туманлардаги пахта тозалаш АЖларига бориб туташарди. Энг аввало, пул ва пахта тумандаги ана шу «ирмоқ»ларда йиғиларди. Сўнг вилоятдаги «дарё»га қуйилади.

Судда сўроқ қилганлардан бири «Пахтакор» пахта тозалаш АЖ бошқаруви раиси Яхшиллиқ Аллабоев ҳам ана шундай «ирмоқ»ни бошқарди. Ўзича у раҳбарнинг гапини икки қилиш «одоб»сизлик деб тушунарди. «Жиззахпахтасаноат» ҲАБ раҳбари И.Қулматовнинг топшириғига асосан 2004 йилда қабул қилинмаган пахтани «қабул қилинди» деб кўплаб ҳужжатларни қалбакилаштиради. У судда ва терговда бирлашманинг янги раиси топшириғи билан «Пахтакор» тола базаси МЧЖ 5-навли пахта толаси қабул қилинганлиги тўғрисида сохта далолатнома тузганлигини ва ҳужжатларни имзолаб пахта тозалаш корхонасининг муҳрини босиб берганлигини ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарига 370 млн. 509 минг 600 сўмлик 2477.6 тонна пахтанинг ҳар бир килограммини 50 сўмдан 250 сўмгача нақд пулга сотганлигини айтиб берди.

Бу «дарё»га яъни «Жиззахпахтасаноат» ҲАБга пахта-йиғим терим пайти пуллар сувдек қуйилиб келарди. Бу битта пахта заводидаги «иш».

Мустақиллик йилларида фермерликка кенг йўл очилди. Кўпгина жойларда ишнинг кўзини билган фермерлар ерга эгалик қилмоқда. Бироқ фермерликни эплай олмайдиган айрим «ишбилармон»лар ерга бошқа экинлар экиб, пахта режасини пахта заводи «орқали» бажармоқда. Режани пахта сотиб олиш ҳисобига бажарадиган учар фермерлар пахта заводларининг тегирмонига сув қуяди. Судда гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Арнасой тумандаги «Ўжасин» фермер хўжалиги раиси С.Муродов, Пахтакор тумандаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари А.Одинаев, Зомин тумандаги «Омад» фермер хўжалиги раиси F.Ғўдаловлар пахта заводларидан пахта сотиб олмаганлиги тўғрисида кўрсатув беради. Аслида манзара бошқача бўлган. (Улар кўпчилик бўлгани боис барчасининг исм ва фамилияларини келтирмадик).

«... Уларнинг бу кўрсатувларини ўзларининг жиноий жавобгарликка тортилмасдан қолиши ҳамда судланувчиларни оғирроқ жиноий жавобгарликдан қутқариш мақсадида қилинган ҳаракат деб баҳолаб, ушбу гувоҳларнинг бу важларини судланувчиларнинг тергов ва суддаги кўрсатувлари, шунингдек, ишда тўпланган далиллар билан исботланганлигини ҳисобга олиб ва этишни лозим топди»,— дейилади суд ҳужжатларида.

Биз жиззахлик пахта «корчалон»ларининг барчасининг жиноий қилмиши ҳақида тўхталиб ўтмадик. Энг асосийси, жиноий гуруҳнинг фаолияти фош этилди. Давлатга етказилган 2 млрд. 846 млн. 446 минг сўмлик зарар ундириб олинди. Ушбу мақолани ёзишдан мақсад пахта заводларида фаолият кўрсатаётган раҳбарларга юқоридаги воқеалар сабоқ бўлади деб ўйлаймиз. Халқ ва давлат мулки дахлсиз. Кимки унга кўз олайтирса, қонун олдида жавоб беради.

Яхё АБДУЛЛАЕВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма терговчиси

ФОЖЕА

Шерзод Ҳошимов аҳолидан шиша йиғиб-тўплаб қабул пунктига топшириш билан шуғулланади. Шундан топган даромадига оиласини боқади. Лекин у кейинги иккиуч кундан буён ишга чиқмай қўйган эди. Сабаби «мопеди» бузилиб қолган. Уловсиз иш битмайди, эҳтиёт қисм топмаса бўлмайди.

Шу мақсадда Шерзод 2007 йилнинг 14 февраль куни кундуз соат тўртларда уйидан чиқди. У ўзи яшайдиган ва ишлайдиган Кармана шаҳридаги шиша қабул қилиш пунктига етиб келди. Омборда ўртоғи Дилмурод Баҳроновга дуч келди. Дилмурод ҳам Шерзод каби шиша йиғиб топшириб, кун кўрадиган йигитлардан бири.

Шерзод унга дардини айтди.

— Жўра, менинг мопедим бузилиб қолди, Ибн Сино ширкат хўжалигига сенинг мопеднг билан бориб келайлик. У ердан «запчаст» олиб келишим керак.

Бунга Дилмурод рад жавобини берди. Аммо Шерзод яна ўртоғидан илтимос қила бошлади:

— Сен нима илтимос қилсанг, йўқ демаганман, юр, бориб келайлик.

— Ҳозир боролмайман, бошқа кун айтганингни қиламан, қандай борсанг, боравер.

Дилмуроднинг қатъий жавоби шу бўлди. Икки ўртоқ ўртасида гап қочди. Ҳақоратли сўзлар ёқа бўғишгача бориб етди. Дилмурод унинг пешонасига калла урди. Шерзод эса шиша билан унинг қўлига зарба берди. Шиша зарбдан синиб кетди. Бу билан кифояланмай Шерзод чўнтагидаги очилиб-ёпиладиган пичоғини чиқариб, Дилмуроднинг кўкрагига икки бор санчди. Омбор ичкарисида ишлаётган Рашид, Зоир исмли ҳамкасблар югуриб келишди.

Шерзод уларнинг «Нима қилиб қўйдинг», деган саволларига «Ҳеч нима» деб жавоб қайтарди-да, омбордан чиқиб кетди. Касалхонага етказилган Дилмурод оғир тан жароҳати туфайли ҳаётдан кўз юмди.

«Букрини гўр тузатади», деган нақл бекорга айтилмаган. Чунки илгари ҳам уч марта судланиб, хавфли рецидивист ҳисобланган Шерзод Ҳошимов тўртинчи бор суднинг «қора курсиси»га ўтирди. У ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди.

Суд Ш.Ҳошимовга ўтолмай қолган 3 йил 3 ой 10 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қисман кўшилган ҳолда, узил-кесил 13 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Хушнур МАҚСУДОВ,
Навоий вилоят прокуратураси катта терговчиси

Олов чанғалида

Мирза Гулруҳга уйланаётганда: «Энди ҳеч қачон ароқ ичмайман. Шу ароқхўрлик оқибатида биринчи оилам бузилди. Хотиним онасиникига кетиб қолди», деганди.

Аммо Гулруҳ Тешаевага уйлангандан кейин ҳам Мирза «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, аҳён-аҳёнда ароқнинг хумори тутиб, яна ичиб келадиган одат чиқарди. Ичиб келгач, хотинини бўлар-бўлмаса ҳақоратлаб, дўппосларди. Бечора аёл ундан қочиб, эрининг мастлиги тарқалишини кутарди.

2006 йил 2 сентябрда Мирза турмуш ўртоғи билан касал бўлган қайнотасини кўргани келишади. Қайнота қизи ва куёвини яхши кутиб олиб, дастурхонга овқат билан бир шиша ароқ ҳам келтиради. Қайнота-куёв чақчақлашиб, ароқни «майдалашди». Гулруҳнинг отаси куёви ва қизига бундан кейин жанжал қилмасликни, бир-бирларига меҳрибон бўлишни маслаҳат берди. «...ҳар доим мининг уйимга хурсанд ҳолда келинглар, болаларим. Уриш-жанжал бўлган хонадонга қут-барака кирмайди» деди мезбон куёви ва қизига қарата...

Соат бешларда уйларига қайтишганда ҳам Мирзанинг кайфи ҳали тарқамаган эди. Шу таъсир қилдими, «Сен ота-онангга мени ёмонлагансан, ёш боладай менга насиҳат қилди...» дея Гулруҳни ҳақоратлай бошлайди.

Гулруҳ ўзини оқламоқчи бўлиб, эрига гап қайтарди:

— Нимага ароқ ичдингиз, қачон қарама, маст-аластсиз. Гапларим ёлғонми, айтинг...

— Ўчир овозингни! Ичишим билан сенинг ишинг бўлмасин. Ҳе, сани... — дея бир шапалоқ туширди Мирза хотинига.

Тарсаки зарбидан Гулруҳ кечаси билан ухлай олмай чиқди. У эрининг хўрлашлари, калтакларидан тўйиб кетганди. Унинг яшагиси келмасди. Ҳатто норасида ғўдаги ҳам кўзига кўринмасди. Ғўё унга ҳаётнинг қизиғи йўқдек...

Тонг ота бошлади. Маҳзун тонг.

— Оҳ, бу қандай азоб?! Ёрдам берингланг!

Саҳардаги аёл чинқириғи Мирзани уйқудан уйғотиб юборди. Ёнидаги жойга қаради. Гулруҳ! Бу, унинг овози-ку?! Йигит ўрнидан туриб, ташқарига ўқдек отилди. Не кўз билан кўрсин-ки, хотини ловуллаб ёнарди. У даҳол ёрдамга кириши, оловни ўчирди. Шофиркон туман марказий касалхонаси шифокорларининг ўз вақтида кўрсатган тиббий ёрдами боис Гулруҳнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

«Бундан олдин ҳам Гулруҳ билан бир неча бор жанжаллашиб, яна яраши кетганмиз. Тайинли ишим бўлмаганлиги учун мардикорлик қилиб рўзғор тебратардим. Ишдан сўнг чарчоқни ёзиш учун бир пиёла ароқ ичиб келсам, хотинимга ёқмасди. Шукрки, аёлим тирик қолди. Қилмишимдан пушаймонман, бир нафар фарзандимиз бор, унинг етим қолишини истамайман...», — деди Мирза Тешаев судда ёрдам сўраб.

Суд ҳукмига кўра, судланувчи Мирза Маҳмудовга ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг 7-моддаси «а» банди билан тайинланган жазо учдан бир қисмга қисқартирилди ва ЖКнинг 72-моддаси қўлланиб, шартли ҳукм — 2 йил синов муддати белгиланди.

Мирза жазосини олди. Биргина жанжал оқибатида бир инсон ҳаёти хавф остида қолди. Агар Гулруҳга ўз вақтида тез тиббий ёрдам кўрсатилмаганида ҳаёт билан видолашиши аниқ эди. Бир норасида ғўдак она меҳрига ташна бўлиб қоларди. Мирза кўнглидан ана шуларни ўтказган бўлса ажаб эмас. Шунинг учунми, бугун у хотини, фарзандини бағрига босганча, кўзда ёш ила яратганга шукрона айтмоқда.

Раҳматилло ҲАМРОЕВ,
Шофиркон туман прокурорининг катта ёрдамчиси
Лолахон МАНСУРОВА,
журналист

ИШСИЗЛИК ГЛОБАЛ МУАММО

XXI аср гарчанд инсоният тараққиётида муносиб ўрин эгаллаётган бўлса-да, лекин ҳалигача ўз ечимини топмаётган муаммолар талайгина. Уларнинг энг йирикларидан бири ишсизликдир. Қизиғи шундаки, ҳеч ким бу муаммодан ҳоли бўлиш кафолатига эга эмас. Ишлаб чиқариш ва бошқаришга янги технологияларнинг кириб келаётганлиги, рақобат муҳитида ҳар йили бир неча компаниянинг таназзулга учраши ишсизлик кўламининг ёйилишига олиб келаётир.



Масалан, ўтган йили Италиянинг «Fiat» ва Американинг «Kraisler» компаниялари зарар билан чиққанлиги боис минглаб иш ўринлари қисқартирилди. Шу боис ишсизлик эндигина тараққий этаётган ёки қолоқ мамлакатларга хос хусусият деб фикр юритиш хато бўлади.

Сўнгги тадқиқотларга қараганда, европаликлар ҳамма нарсадан ҳам кўра кўпроқ иш ўрнини йўқотишдан хавотирланишади. Сўровларга қараганда уларнинг 49 фоизи Европа давлатлари сиёсатининг марказида иш ўринларини сақлаб қолиш ва кўпайтириб туриши керак, деб ҳисоблашади. Полша ва Испанияда ишсизлар сони меҳнатга яроқли аҳолининг 14,3 фоизини, Германия ва Францияда эса қарийб 9 фоизини ташкил этади. Европа давлатлари ўзаро иттифоққа бирлашишининг асосий сабабларидан бири ишсизликнинг олдини олиш бўлган бўлса-да, амалда бу мақсадга эришилмади. Экспертлар Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари ва янги ривожланаётган давлатлар иқтисодиётининг юксалаётгани, жаҳон бозорида улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг қадри ошиб бораётгани Европа компаниялари фаолиятига жиддий таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлайдилар. Айниқса ахборот технологиялари соҳасида Хитой ва Ҳиндистон ғарбдаги ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи «Siemens», «Apple», «Fillips», «Grundig» каби телевизор, телефон, компьютер ишлаб чиқарувчи компанияларни сиқиб қўйганлиги кўпчиликка яхши маълум. Мана шундай вазиятда ишчилар ҳар қандай шароитда ишлашга рози бўлаверадилар. Масалан, сўнгги пайтларда Германияда дам олиш кунлари ва тунги вақтда ишловчилар сони ортиб бормоқда. «Билд» газетасининг маълумотларига қараганда, эркакларнинг 47 фоизи, аёлларнинг 40 фоизи шанба кунлари ишламоқда. Ҳолбуки 1991 йилда бу кўрсаткич 39 ва 32 фоизни ташкил этган, холос. Баъзан ишчи ва хизматчилар 12 соатдан кўпроқ вақт ишда ушланиб қолишга мажбур бўлишади. Маълумотлар шуни кўрсатадики, Жанубий Кореяда бир ходим йил давомида 2380 соат ишлайди. Бу кўрсаткич эса америкаликларникидан 30 фоизга кўпроқдир. Ҳалқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига қараганда грекслар бир йилда 1925 соат, испанлар – 1799, британияликлар эса 1669 соат ишлайдилар.

Ишга қабул қилишда кўпинча турли шартлар қўйилади. Масалан, АҚШ компанияларининг 20 фоизи семизларни, 25 фоизи кашандаларни ишга қабул қилишдан бош тортишади. Бунинг сабаби бу тоифадаги одамлар кўп касал бўладилар ва компания рекламасига салбий таъсир кўрсатишлари мумкин деб ҳисобланилади.

Ҳозирда ишсизликни ижтимоий муаммо сифатида бартараф этиш учун кўпгина халқаро ташкилотлар иш олиб бораётир.

Динара АТАЖАНОВА,
Тошкент ислом университети 3-курс талабаси

ЛУГОВОЙ ГУМОН ҚИЛИНАЯПТИ

Россия Федерал Хавфсизлик Хизматининг собиқ ходими Александр Литвиненконинг ўлдирилиши юзасидан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари давом этмоқда. Айрим маълумотларга кўра, ушбу жиноятни содир этишда тадбиркорлар Дмитрий Ковтун ва Андрей Луговой гумон қилинмоқда, деб хабар беради «Интерфакс» ахборот агентлиги.

Буюкбритания бош прокурори Кен Макдоналд 22 май куни ушбу ишга изоҳ берар экан, Луговойга қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этишда айб эълон қилишга етарли далиллар тўпланганлигини айтиб ўтди ва шу боис у Россия ҳукуматига мурожаат этиб, Луговойни Буюкбританияга экстрадиция қилишни сўрамоқчи эканлигини билдирди. Бироқ Россия Бош прокуратураси масъул ходими Марина Гриднёва бу хусусда аниқ маълумот бермаган. У ўз баёнотида агарда Буюкбритания вакиллари томонидан Луговойнинг айбини исботловчи далиллар тақдим этилса, Луговой Россия қонунларига кўра суд қилинишини маълум қилган. Унинг таъкидлашича, ҳозирча Луговойга нисбатан Буюкбританиядан ҳеч қандай ҳужжатлар келмаган.

Александр Литвиненко 2006 йилнинг 23 ноябрь куни полоний-210 радиоактив кимёвий моддадан заҳарланиб ўлган. Россия Бош прокуратураси томонидан мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов қилинмоқда. Андрей Луговой эса ушбу ишда гувоҳ сифатида қатнашаяпти, холос.

СУИҚАСД

Душанба куни Ригада Латвия божхона хизматининг юқори лавозимли ходимига нисбатан суиқасд уюштирилди, деб хабар қилади «РИА новости» ахборот агентлиги. Полиция маълумотига кўра, божхона жиноят бошқармаси бошлиғи Владимир Вашкевичнинг автоуловига портловчи мослама жойлаштирилган. Суиқасд натижасида Вашкевич оғир тан жароҳатлари билан шифохонага ётқизилган. Портлаш айнан у уйига қайтиш мақсадида ишдан чиқиб автомобил эшигини очаётганда рўй берган.

Таъкидлаш жоизки, Владимир Вашкевич бутун Латвия чегараларида контрабандага қарши курашиш хизматига раҳбарлик қилган. 2006 йилда эса у мамлакат Ички Ишлар Вазирлигининг ички хавфсизлик хизмати назарига ҳам тушганди. Чунки Вашкевичнинг сарф-харажатлари давлат хизматчиси оладиган даромадлардан анча фарқ қилар, лекин коррупцияда унинг қўли борлиги исботланмаганди. Бу унга нисбатан уюштирилган биринчи суиқасд эмас, 2005 ва 2006 йилларда ҳам шундай ҳаракатлар амалга оширилган эди.

«Учар» жиноятчилар

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, сешанба куни ниқоб кийиб олган уч нафар жиноятчи Чикагодаги «Illinois Service Federal Savings and Loan» банкини ўмариб кетишган. Хуруж натижасида банкнинг 23 ёшли газначиси ўлдирилган, 48 ёшли банк қўриқчиси ва 73 ёшли мижоз аёл жароҳатланган. Жиноятчилар банкдан ончалик кўп бўлмаган нақд пулларни олиб, жуфтакни ростлаб қолишган. Полиция ҳамда федерал тергов бюроси ходимлари воқеа жойига етиб келишганда, улардан асар ҳам қолмаганди. Федерал тергов бюроси кимда-ким ушбу жиноятнинг фош этилишида аҳамият касб этадиган маълумотни тақдим этса, 50 минг доллар миқдорида мукофот пули берилишини маълум қилган.

ТАҲРИРИЯТДА ТИНТУВ

Озарбайжондаги «Реальный Азербайджан» ҳамда «Гюнделик Озарбайжон» муҳолифатчи газеталар таҳририятларида тинтув ўтказилган. «Озарбайжон янгиликлари» ахборот агентлигининг хабар беришича, республика миллий хавфсизлик вазирлиги ходимлари таҳририятлардаги барча ускуналарни олиб чиқиб кетишган. Шунингдек, мазкур нашрлар таъсисчиси бўлмиш Эйнулла Фатуллаевнинг хонадони ҳам тинтув қилинган. Хавфсизлик хизмати ходимлари синчковлик билан унинг шахсий буюмлари ва фотосуратларини текширишган. Миллий хавфсизлик вазирлигининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Ориф Бобоевнинг айтишича, мазкур тадбирлар жорий йилнинг 16 майида «терроризм» моддаси билан қўзғатилган жиноят иши доирасида амалга оширилмоқда. Бироқ у журналистлар нимада гумон қилинаётгани хусусида тўхталиб ўтмади. «Озарбайжон янгиликлари» газетаси вакилларининг таъкидлашича, тез орада мазкур нашрнинг бош муҳаррири Шахвелед Чабаноглу ҳибсга олиниши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, 21 май куни юқорида қайд этилган газеталар таҳририятлари Озарбайжон фавқулодда вазирлиги ходимлари томонидан таҳририятлар жойлашган бино хавфсизлик талабларига жавоб бермайди, деган изоҳ билан ёпилган эди. Аввалроқ эса ушбу газеталар таъсисчиси Эйнулла Фатуллаев Қорабоғ низосига бағишланган мақоласи учун икки ярим йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганди. Ўшанда суд унинг мақоласини Озарбайжон шаънига иснод келтириш, дея баҳолаганди.

Бошпана бериб...

Ливаннинг Наҳр ал Барид ҳудудида жойлашган Фаластиннинг «Фатх ал-Ислом» жангари гуруҳи биртомонлама тинчликни сақлаб туришга ваъда берди.

Эслатиб ўтамиз, фаластинликлар улар турган жойга Ливан армияси томонидан кучли зарбалар берилгандан сўнг бундай баёнот билан чиқишди. Ҳарбий ҳаракатлар натижасида ўнлаб одамлар қурбон бўлди. Ушбу қарама-қаршилик фаластин жангарилари томонидан Ливан банкига босқинчилик жинояти содир этилганидан сўнг вужудга келди. Жиноятда гумон қилинаётганларни Ливан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топшириш ўрнига «Фатх ал-Ислом» фаоллари гумонланувчиларни олиб кетишга келган Ливан аскарларидан 15 кишини ўлдиришган. Шундан сўнг Ливан армияси ҳам ҳаракатга киришган. Таъкидлаш жоизки, Ливан ҳукумати мана бир неча йилдан буён Фаластиндан қочиб ўтганларга ўз ҳудудида бошпана бериб келади, деб хабар қилади «France Presse» ахборот агентлиги.

Анқарадаги портлаш

Туркия пойтахти Анқарада 17 май куни содир этилган террорчилик ҳаракати террорчи ўз-ўзини портлатиши натижасида амалга оширилган, деб хабар қилади AFP ахборот агентлиги. Анқара шаҳрининг эски қисмидаги Улус туманида жойлашган савдо марказига киришда содир этилган портлаш оқибатида беш киши ҳалок бўлган, 60 киши жароҳатланган, қурбон бўлганлардан бири Покистон фуқаросидир. Ҳозирда мазкур жиноят иши бўйича бир нечта шахс ҳибсга олинган. Полициянинг маълумотига кўра, ушбу террорчилик ҳаракати Курдистон ишчи партияси томонидан содир этилган бўлиши ҳам мумкин. Уларнинг гапига қараганда портлашда А-4 русумли бомба ишлатилган, айнан шу русумдаги портловчи мослама қўпроқ Курд ишчи партияси жангарилари томонидан қўлланилади.

Демография сиёсати

Хитой жанубидаги Гуаннгкси вилоятида деҳқонларнинг оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Улар мамлакат ҳукуматининг туғилишни чегаралаб қўйиш сиёсатига қарши чиқмоқдалар. «Kyodo News» ахборот агентлигининг хабар беришича, намойишчилар маъмурий биноларга жиддий зарар етказиб, кўплаб автомашиналарни ёқиб юборганлар. Шунингдек, улар ва полициячилар ўртасида ҳам тўқнашув юз берган. Маълумотларда айтилишича, намойишчиларнинг сони 50 минг кишини ташкил этган. Шапо шаҳрининг ўзида бўлиб ўтган намойишда 20 минг киши қатнашган. Бобай шаҳрида ўтган намойиш эса охир-оқибат намойишчилар ва полициячилар ўртасидаги қонли тўқнашувга айланиб кетган. Тартибсизликлар натижасида икки томондан умумий ҳисобда ўнга яқин киши ҳалок бўлган, юзлаб одамлар тан жароҳати олганлар.

Бош вазир заҳарланди

Қирғизистон бош вазири Олмос Атамбаев парламент йиғилишида сўзга чиқиб, уни заҳарлашганини гапириб берди. «Akipress» ахборот агентлигининг хабар беришича, Атамбаевни 2007 йилнинг 11 май куни ўз иш хонасида заҳарлашган. Иш қоғозлари билан танишиш чоғида Атамбаев бир стакан сув ичган ва шундан сўнг икки кун ҳушсиз ётган. Унинг таъкидлашича, фақатгина шифокорлар томонидан икки ҳафта давомида қон қуйиш орқали амалга оширилган муолажалар ўлароқ Атамбаев ўзини анча яхши ҳис қилмоқда. Депутатлар билан бўлиб ўтган учрашувда Атамбаев унга қарши қилинаётган ғиғолар «Кристалл» компаниясининг национализация қилиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини айтиб ўтган.

Таъкидлаш керакки, кремний моддасини ишлаб чиқарувчи «Кристалл» акциядорлик жамияти дастлаб давлат тасарруфида бўлган, кейинчалик хусусийлаштирилган. Бироқ мамлакат ҳукумати янги эгалар ҳуқуқларини қайтадан кўриб чиқиш учун судга берди. 2007 йилнинг апрелида Бишкек суди эгалик ҳуқуқини «Ester Holding Corp.» компаниясида қолдирди. Қирғизистон ҳукумати бунга жавобан «Кристалл» акциядорлик жамиятини давлат ҳисобига қарор қилди.

Тилимизда ажойиб бир мақол бор. Биронта покдил, ўзгалар ҳақидан ҳазар қиладиган киши тўғрисида гап кетса, «ҳа, у киши бузоқнинг ҳаки бор дея сигирнинг сутини ичмайди», деб кўшиб қўйишади. Бу энди албатта муболаға, аммо шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Халкимиз азал-азалдан бировнинг ҳақидан ҳазар киладиган, бир бурда нонини пешона тери тўкиб топадиган халк. Бунга минг-минглаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо «гуруч курмаксиз бўлмаганидек», орамизда ўзганинг молига кўз олайтирадиган, унинг ҳакини ноҳак йўллар билан ейишга одатланган кимсалар ҳам учраб туради. Уларнинг килмишлари илоҳий конунларда ҳам, дунёвий конунларда ҳам кораланади, тегишли жазога тортилиши айтилади.

Бировнинг ҳақи

Ҳазрат Яссавийнинг ҳикматларида шундай сатрлар бор:

«Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,

Киши молини ема, сирот узра тутаро».

Бунинг маъноси шуки, бирон кишининг мушкулини осон қилиб, розиризолик билан юз мингини олиб есангиз ҳам ҳалол, аммо меҳнатини қилмасдан, уни норози қилиб, бир сўмини есангиз ҳам гуноҳхорсиз, чунки ўша бир сўм бировнинг ҳақи. Тўғри, ноҳақ ейилган сумма арзимас бўлган ҳолларда дунёвий қонунлар бўйича жазо белгиланмасдан, оддийгина ҳайфсан ёки огоҳлантириш билан чекланилиши мумкин, аммо илоҳий қонунлар бўйича бунинг иложи йўқ. Ҳар бир жиноятга ҳеч кимга зулм қилинмасдан, мутаносиб жазо муқаррарлиги таъминланади. Қуръони каримда бу ҳақда шундай дейилади: «Куфр йўлини тутган кимсалар уларга берган муҳлатимизни зинҳор ўзлари учун яхшилик деб ҳисоблашмасинлар. Балки Биз уларга фақат гуноҳларини зиёда қилишлари учунгина муҳлат берамиз. Улар учун хор қилгувчи азоб бордир». (3-сура, 178-оят). Жиноят оламига назар солсангиз, жиноятчиларнинг қарийб 90 фоизи бировнинг ҳақини ноҳақ ейиш жиноятини содир этганлигига амин бўласиз. Уларнинг баъзилари ўғирлик йўли билан бировнинг ҳақини еган бўлса, бошқаси фирибгарлик, яна бири босқинчилик, бошқа бири эса товламачилик ёки порахўрлик йўли билан бировнинг ҳақини еган бўлиб чиқади. Баъзи жиноятчилар эса тош-тарозидан уриш йўли билан ўзгалар ҳақини туя қиладилар. Тўғри, одам ўлдириш, босқинчилик, терроризм ва шу каби катта жиноятлар қаршисида тарозидан уриб қолиш жиноятини анчайин арзимас жиноятдек бўлиб туюлса-да, аммо Ислом динининг муқаддас Китоби бўлмиш Қуръони каримда Оллоҳ таоло бандаларни тез-тез бу жиноятдан қайтарганлигига амин бўласиз. Агар адашмасам, Қуръоннинг 6-сура, 152-оятида, 7-сура, 85-оятида, 11-сура, 84, 85-оятларида, 17-сура, 35-оятида, 26-сура, 181, 182, 183-оятларида, 55-сура, 9-оятида бандаларга бировларнинг ҳақидан уриб қолмаслик буюрилади. Жумладан, 11-сурани-нг 85-оятида шундай дейилган: «Эй қавмим, ўлчов ва тарозини адолат билан тўла тортингиз! Одамларнинг нарсаларини уриб қолмангиз ва ерда бузғунчилик билан санқиб юрмангиз!» Қуръони каримнинг 83-сураси эса «Мутаффифун» деб номланган. Бу сўз «бировларнинг ҳақларидан уриб қолгувчилар» деган маънони англатади. Бу сурада шундай дейилади:

«Ўлчов ва тарозидан уриб қолгувчи кимсаларга ҳалокат бўлғай! Улар одамлардан (бирон нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир. Улар ўзларининг улуғ бир Кунда – барча одамлар бутун оламлар Парвардигори ҳузурида тик туриб (ҳисоб-китоб берадиган Қиёмат) кунида қайта тирилгувчи эканликларини ўйламайдиларми?! Йўқ, (бировларнинг ҳақларидан уриб қолишдан ҳазар қилинглар). Чунки (бундай) фисқ-фужур қилгувчи кимсаларнинг номаи аъмоллари албатта Сижжийнда бўлур!».

Жиноятчилар дунёвий қонунлар бўйича турмаларга қамалади, адолатли суд белгилаган жазони ўтайди. Илоҳий қонунларда эса уларга дўзах ваъда қилинган. Тўғри, турмалар ва бошқа жазони ижро этиш жойларидаги назоратчилар барча бандалар қатори «хом сут эмган банда»лар сирасидан бўлганликлари боис, ашаддий жиноятчилар уларни қўрқитибми ёки бирон нарсалар ваъда қилибми, ҳаётларини бироз енгиллаштиришлари мумкиндир, аммо илоҳий қонунларда белгиланган, Оллоҳ таоло ваъда қилган жазолар дахшатли. Зеро, ривоятларга қараганда жазо фаришталарига нафс ато этилмаган. Миллион-миллион пулларнинг ҳам улар учун сариқ чақалик аҳамияти йўқ.

«Бизнинг оятларимизни инкор қилган кимсаларни албатта, дўзахга киритажакмиз. Қачонки, терилари куйиб битиши билан ҳақиқий азобни тортиб кўришлари учун ўрнига бошқа териларни алмаштириб қўямиз» (4-сура, 56-оят). Маълумки, одамга энг шиларни яхши одамлар бўлишга даъват этади. Азиз ўқувчилар қиссадан ҳисса, яъни ушбу кичик мақоламиздан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олсинлар, деган ўйда уни Қуръон оятлари билан якунлашга қарор қилдик: «Яхшилик қилинг! Албатта Оллоҳ яхшилик қилгувчиларни севади». (2-сура, 195-оят).

«Эй, мўминлар, Оллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингизнинг ичингиздан бўлган раҳбарларга бўйсунингиз».(4-сура, 59-оят)

«Эй инсонлар, ўзаро олди-берди муомалаларингизда тўғри, адолат билан тортинглар ва тарозидан уриб қолманглар». (55-сура 9-оят).

Йўлдош ПАРДА тайёрлади

Тўйхат ўрнида

Инсон бахти ардоқда

Инсон қачон ўзини бахтиёр сезади? Қачонки кимгадир кераклигини ва атрофидагилар томонидан қадрланишини сезгандан кейингина инсон бахтиёрдир. Ёши улғайган сари эса инсон эътибор ва эъзозга янада муҳтож бўлади. Агар шундай кишилардан «ҳаётдан қандай истакларингиз бор?» дея сўрасангиз, «тинчлик, соғлиқ, фарзандлар меҳри ва назаридан қолмасак бўлгани» деган жавобни оласиз. Ҳақиқатан, инсон учун меҳр-эътибор ва қадрдан кўра ортиқ бахт бўлмаса керак.

Прокуратура соҳасида кўп йиллар фаолият юритган Муроджон Раҳмонов бугун фахрийлар сафидан жой олиб, сермазмун ҳаёт кечираётган улуғ инсонлардан биридир. У киши ҳозирда табаррук 70 ёшни қарши олмоқда. Ўзининг 40 йилдан ортиқ иш фаолияти давомида, жумладан 25 йилга яқин Андижон вилоят прокуратураси тизимида туман прокурорининг терговчиси, Асака, Шаҳрихон ва Хўжаобод туманлари ҳамда Андижон шаҳар прокурори лавозимида самарали ва шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. Ҳаёти давомида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида бор билимини аямади. Прокуратура соҳасидаги узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди. Шу кунларда отахонни табаррук ёши билан қутлаб, ёру дўстлари, шогирдлари ташриф буюрмоқда.

Ҳурматли Муроджон Раҳмонов! Республика Бош прокуратураси жамоаси ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази қутлуғ ёшингиз билан муборакбод этиб, сизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ва узоқ умр тилаб қолади!

«МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР»

танловига марҳамат

Мустақилликнинг ўн олти йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси муассислигидаги «Huquq» газетаси таҳририяти кўрик-танлов эълон қилади.

Ватанимиз мустақиллигининг ўн олти йиллиги олдидан Республика Бош прокуратураси ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, қонунийликни таъминлаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш йўлидаги фаолияти ёрқин акс эттирилган, мустақиллик туфайли мамлакатимизда юз бераётган буюк ўзгаришлар замондошлар онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасидаги янгиланиш, она-Ватанга садоқат ва муҳаббат, миллий ғурур ва инсоний қадриятлар улуғланган энг яхши очерклар, мақолалар, репортажлар, суҳбатлар, фото-лавҳалар ва бошқа жанрдаги материаллар ижодкорларини, прокуратура ва ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳуқуқий тарбия ишида фаол қатнашувчи ходимларини, барча қаламкаш дўстларни кўрик-танловда қатнашишга таклиф этамиз.

КЎРИК-ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Юборилаётган материаллар босма ёзувда кўчирилган бўлиши ва унда «Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» кўрик-танловига тақдим этилаётганлиги кўрсатилиши шарт. Кўрик-танловга тақдим этилган материаллар «Huquq» газетасида чоп этилади.

Эълонқилинган материаллар рички тақриз қилиниб, хулосалар кўрик-танлов ҳайъатига тақдим этилади.

Ҳайъат хулосаси ҳал қилувчи кучга эга.

Голиблар «Huquq» газетасида, Мустақиллик куни арафасида эълон қилинади.

ГОЛИБЛАРНИ МУКОФОТЛАШ

«Huquq» газетасида чоп этилган энг яхши мақолалар учун учта мукофот ажратилади.

Биринчи мукофот – *200 минг сўм;*

Иккинчи мукофот – *150 минг сўм;*

Учинчи мукофот – *100 минг сўм.*

Бундан ташқари, кўрик-танловнинг энг фаол иштирокчилари учун учта рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этилади.

Кўрик-танлов материалларини қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин.

Тошкент шаҳри, Яҳё Ғуломов кўчаси, 66-уй, «Huquq» газетаси таҳририятига

ТАҲРИРИЯТГА ҲУЖУМ

Сешанба куни ярим тунда Афинада чоп этиладиган «Апогевматина» газетаси таҳририяти биносига бир тўда безорилар ҳужум уюштириб, бино ойналарини синдиришган, деворларни қизил бўёқлар билан бежаб ташлашган дея хабар беради Associated Press агентлиги.

Юзларига ниқоб тутган безорилар шунчалик тез ҳаракат қилишганки, қисқа вақт ичида етиб келган полиция воқеа жойидан улар қолдириб кетган варақаларидан бошқа нарса топишолмаган. Варақаларда анархистлар бу қилмишларини газетада эълон қилинган мақолаларга «раддия» эканлигини баён қилишган. Маълум бўлишича, кейинги пайтларда мазкур газетада мамлакатдаги анархиячилар фаолиятини кескин танқид қилувчи туркум мақолалар чоп қилиб келинган. Мазкур босқинчилик оқибатида таҳририят каттагина зарар кўрган.

«Бу ҳаракатни матбуот эркинлигига қарши ҳаракат деб баҳолаш мумкин», деган фикрни билдирган Греция ҳукумати вакили Евангалос Антонарос.

Ўқинг, қизиқ

КИМ ЖИННИ?

Бебилиска пул дардида одамлар нималарга қўл урмайди дейсиз? Канаданинг Ванкувер шаҳрида яшовчи 28 ёшли йигит Пит Костелло ногиронлик нафақаосини олиш учун йигирма йилдан буён ақли ноқис одам ролини ўйнаб келган ва ногиронлик нафақаси ҳисобига яшаб келган. Аниқланишича, Пит бу ишга онасининг кўрсатмаси билан қўл урган.

Пит Костеллони 13 ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилган суд ўтган йиллар давомида давлатдан алдов йўли билан олинган пулларни қайтариш жазосини ҳам белгилади.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 455. 19 788 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: D.ESHMURODOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 23.00 2345678